





Хабибулла Бозоровнинг навбатдаги сайёр қабули "Саховат" маҳалласида бўлиб ўтди





Узун туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган сайёр қабулда фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар, турли масалалар бўйича мурожаатлари билан иштирок этди. Қабулда туман ҳокими фуқароларнинг эски сим ёғочларни алмаштириш, ички йўлларни таъмирлаш, болалар нафақаси, ичимлик суви тармоғини тортиш, йўл очиш ва трансформатор ўрнатиш каби масалаларга оид 9 дан ортиқ мурожаатларини тинглаб, уларга ўз муносабатини билдириди.





Мурожаатларнинг 5 таси ижобий ҳал этилди. Ижроси маълум муддат талаб қилинадиган 4 та мурожаатларни ижобий ҳал этиш бўйича мутасаддиларга йўналтирилди ва назоратга олинди.

